Ушбу сонда:
2 ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ мустаҳкам қарор топсин
3 TV — ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 июл, шанба №116 (1333)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасининг «Ўзбек қоғози» очиқ акционерлик жамиятида бугунги кунда ўқувчилар дафтарлари, ёзув қоғозлари, картон маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Корхонанинг хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган зарур миқдорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминламоқда. Жумладан, акционерлик жамиятининг Янгийўлдаги қоғоз-целлюлоза фабрикасида Франциянинг «Clextral» корхонаси технологияси қўл келаётир.

Корхонада йил бошидан буён 2 миллиард 323 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 фоиз кўп демакдир.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2002 йил 18 июл

2002 ЙИЛНИНГ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАМДА ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, жорий йилнинг I ярим йиллигида 2002 йилга белгиланган параметрлар ва вазифалар ҳамда 2001 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 1-сон протоколида назарда тутилган топшириқларнинг изчил амалга оширилиши таъминланди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (4,2%), саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш (7,2%) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш (4,5%), чакана товар айланмаси (8,3%) ва пулли хизматлар (12,7%) ҳажмлари ўсиши таъминланди, ташқи савдо балансида ижобий сальдога эришилди.

Қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши натижасида инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 2001 йил 1-ярим йиллигидаги 1,4 фоиздан 1,1 фоизгача пасайди. Биринчи ярим йилликда эмиссия натижаси бўйича 50 миллиард сўмдан ортиқ тежамкорлик ҳосил бўлди, муомаладан эса 15,2 миллиард сўм накд пул маблағи чиқарилди.

Ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, алмаштириш курсини бирхиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Алмаштириш пунктларининг кенг тармоғи барпо этилди, алмаштириш пунктларида хорижий валютани сотиб олишда илгари амалда бўлган деярли барча чеклашлар олиб ташланди.

Ўзбекистоннинг 2002 йил 1 январдан 30 июнгача бўлган даврда иқтисодий ва молиявий масалаларга доир сиёсати бўйича республика ҳукумати билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ Мониторинг дастури қоидалари тўлиқ бажарилди.

Бошоқли экинлардан кейинги йиллардаги рекорд ҳосил йиғиштириб олинди, қарийб 4,7 миллион тонна дон етиштирилди. Деярли барча минтақалар давлат эҳтиёжлари учун дон хариди бўйича шартномалар бажарилишини таъминлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилмоқда. Ўқувчилар ўрни 215,5 минг бўлган янги типдаги 44 академик лицей ва 291 касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Умумтаълим мактаблари, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Дарсликларнинг янги авлоди тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. Республиканинг 56 олий ўқув юртларида педагог ва муҳандис-педагог кадрлар кенг тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, ердан ва сувдан фойдаланишга доир амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш, қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларига риоя қилмаслик ҳолларига ҳали ҳам барҳам берилмаган.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан, Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида - сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишлари қолоқлик билан олиб борилмоқда.

Қурилиш комплексини ислоҳ қилиш қониқарсиз бормоқда. Пудратчини танлаш юзасидан тендерлар ўтказиш қўпол қонун бузилишлари билан амалга оширилмоқда. Пудратчилар ва буюртмачилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажаришда расмиятчиликлар мавжуд.

Экспортнинг ярим йиллик прогнози атиги 96,6 фоизга бажарилган. 43 вазирлик, идора, уюшмадан 14 таси экспорт бўйича белгиланган топшириқларни уддалай олмади. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларини замонавийлаштиришга ва республика минтақаларини ривожлантиришга хорижий инвестициялар ҳали ҳам етарли жалб қилинмаяпти. 21 та туманда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилмаган.

Бюджет маблағларини сарфлашда қўпол бузилишлар, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, пул маблағларини ва моддий захираларни ноқонуний ўзлаштириш ҳоллари мавжуд. «Ўзбекчармпойабзали», «Ўзпаррандасаноат», «Озиқовқатсаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари тизимида зарар кўриб ишлаётган корхоналар, айниқса, мулкида давлат улуши бўлган корхоналар улуши юқорилигича қолмоқда. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни банкрот деб эълон қилиш жараёни жуда секинлик билан олиб борилмоқда.

Республикага импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш, ички истеъмол бозорини ватанимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардошли товарлар билан тўлдиришни ташкил этиш ва уларни кенг реклама қилишга доир вужудга келган тизим тубдан ўзгартиришни талаб этади.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари бир ҳафта муддатда ҳудудларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотларнинг боришини танқидий кўриб чиқсинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагиларга:

«Ўзбекэнерго» (Шоисматов), «Ўзбекнефтгаз» (Сайдаҳмедов), «Ўзкимёсаноат» (Ҳасанов) компаниялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Тожиев), Жиззах (Яманқулов), Навоий (Рўзиев), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига - хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича ишларининг етарли эмаслиги;

«Ўзбекчармпойабзали» (Холмуродов), «Озиқовқатсаноат» (Холмуҳамедов) уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» (Акромов) ва «Ўзбекенгилсаноат» (Эргашев) компаниялари раҳбарларига - паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган, энг аввало, мулкида давлат улуши бўлган корхоналарни тугатиш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига - уй-жой фондини газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш дастурини амалга оширишда қолоқликка йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Кўрсатиб ўтилган идоралар ва ҳудудий органлар раҳбарларининг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари 2002 йил январ-сентябр ойлари якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида эшитилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи банклар ва бошқа тузилмалар билан биргаликда бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг моддий-техника ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш, уларни зарур техника билан таъминлаш, майда улгуржи савдо ва сервиснинг кенг шохобчаларини яратиш, банк хизматлари кўрсатишни бутун чоралар билан кенгайтириш ва яхшилаш, кичик бизнес ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2002 йил якунлари бўйича ахборот берилсин.

(Давоми 2-бетда).



Беруний туманидаги ёғ ишлаб чиқариш заводи энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ишчи-хизматчилар самарали фаолият юритишлари учун шароитлар муҳайё этилган. Муҳими, маҳсулот ўзининг юқори сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: корхона цехларидан бирида.

Б.АЛЛАШЕВ олган сурат.

ЧЎПОНБОП КИЙИМЛАР

Қўнғирот туманидаги «Устюрт» ширкат хўжалигида янги тикув цехи иш бошлади. Бу ерда тикилаётган пўстин, телпак, қўлқоп каби кийимлар чўпон-чўлиқларга манзур бўлмоқда. Шу кунга қадар 40 нафардан ортиқ чўпон қишки кийим-кечак билан таъминланди.

Цехда 10 киши меҳнат қилади. Махсус ускуналарда ошланган терилар андозага келтирилади ва замонавий тикув машиналарида маҳсулот тайёрланади.

- Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароит яратилган, - дейди цех раҳбари Ж.Аймағанбетов. -Ишни қандай ташкил этиш ва қай йўсинда олиб бориш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ. Қўлидан иш келадиган ҳар қандай киши ўз имконият доирасида фаолият олиб бориши мумкин. Президентимизнинг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фаолиятимизни янада кенгайтирди. Маҳсулотларимизни четга чиқаришни режалаштириб турибмиз. Бу иқтисодий аҳволимизни янада яхшилайди.

(ЎзА).

ДЕҲҚОН ҲАҚИ

НЕГА БАЪЗИДА ЎЗ ЭГАСИ ҚЎЛИГА ЕТИБ БОРМАЯПТИ?

Меҳнат унумдорлиги бир жиҳатдан ҳақ тўлашга бориб тақалади. Айниқса деҳқончиликдаги оқсашларга маошдаги узилишлар рўкач қилиб кўрсатилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Аслида аҳвол шундайми? Сайхунобод туман «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси мисолида буни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Даставвал хўжалик ширкатлар уюшмаси усулида фаолият кўрсатиши белгилаб олинди. Буни барча аъзолар маъқуллашди. Умумий йиғилиш қарори қабул қилинди. Янгиликни ҳаётга жорий этиш, деҳқонда даласига хўжайинлик ҳиссини мустаҳкамлашга дадил киришилди. Бироқ озроқ вақт ўтгач, бошқарувда буйруқбозлик устун келди. Одамларга ширкат афзаллиги-ю, даромад олиш йўл-йўриқлари яхши тушунтирилмади. Оқибатда ҳамма умумий қозонда қайнай бошлади. Хўжалик иқтисоди ночор. Бироқ бу деҳқон меҳнатини ҳавога совураяпти дейишимизга сира асос бўлолмайди. Ҳукуматимиз қарори билан бўлғуси ҳосил учун олдиндан бўнак пуллари етказиб берилаётир. Лекин бунинг ҳузурини ҳамиша ҳам далада ишлаётганлар кўраяпти, деб бўлмайди. Нега шундай. Бу саволга «Шўрўзак» мисолида жавоб ахтардик.

Бош ҳисобчи Муҳаммаджон Алимовнинг шаҳодат беришича, далада 761 нафар киши меҳнат қилади. Фермер хўжаликларида ишловчилар бундан мустасно. 643 гектар ғалла, 948 гектар пахта майдонлари 34 та оила пудрати аъзоларига тақсимлаб берилган. Жорий йилда 2300 тонна пахта, 1652 тонна ғалла сотиш шартномаси имзоланган. Ғалла учун ҳисоб рақамига келиб тушган транш маблағларининг 6 миллиони ойлик маош тариқасида тарқатиб берилган. Бу ҳар бир оила пудратига ўртача 176 минг сўмдан тушаркан. Пахта учун олти ойликда 23 миллион сўм бўнак пули (маошга) олинган. Бу маблағни пахтачиликдаги оила пудратчиларига тақсимлаб кўрдик. Ўртача 605 минг сўмдан тўғри келди.

— Ғалла ва пахта учун ажратилган бўнак пулларининг маош қисми тўлов ведемостлари орқали деҳқонларга тақсимланган, - дейди бош ҳисобчи, - далада ишлаётганларга ўрта ҳисобда 6 минг сўмдан пул тўлаб берганмиз.

Кўриниб турибдики, дала ишчисининг қўли пул кўраяпти. Режа бажарилса, даромад салмоғи янада юксалиши табиий. Унда улардаги тўнглик боиси нимада? Уларнинг ҳузурида бўлганимизда деҳқон дардини тингладик. Дастлабки суҳбатдошимиз оилавий пудрат етакчиси Абдухолиқ Холматов бўлди. У бошлиқ жамоа бу йил 21 гектар ерга уруғ қадаган. Далада ишлаётганлар сони 18 нафар кишини ташкил этади.

— Йил бошидан буён ўзим 6 минг, икки нафар сувчим 5 минг сўмдан аванс пули олдик. Қўлимиз кўргани шу, - дейди Абдухолиқ ака. — Чопиқчиларимиз жами 36 минг сўм олишди. Бир гектар ерни ўтдан тозалаганимиз учун хўжалик икки минг сўмдан тўлади. Қолганига қарздор бўлиб қолаяпти.

Бу жамоа бу йил пахтачиликда Андижон усулини қўллаб плёнка остига чигит қадаган. Феврал ойидан буёғига реза-реза тер тўкиб келмоқда. Ўтган беш ойда 20 нафардан ошиқ кишига 52 минг сўм атрофида ойлик маош тўланганлиги кишини ажаблантирмасдан қолмайди. Боз устига ўтган фурсатда гектар бошига 250 килограммдан минерал ўғит етказиб берилган холос. Бу эса мўлжалдаги ҳосилни тўплаш учун кифоя эмас.

Хўжалик ғалла сотиш шартнома режасини бажаришга эришган бўлсада, соха ходимлари қўли ҳали пул кўрганича йўқ. Биз ғалла эккан оилавий пудрат етакчиси Алиқул Холматов билан учрашдик. Алиқул ака жамоаси 15 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 42 центнердан хирмон тиклашга эришибди. Даромад қандай бўлади, деган саволимизга етакчидан қуйидаги жавобни олдик.

— Далада уч киши ишладик. Етиштирган ҳосилимиз учун беш минг сўмдан жами ўн беш минг сўм олдик, - дейди Алиқул Холматов. — Меҳнат ҳақимиз, ҳам ошиқча топширилган ғалла учун ҳам ҳақ тўлаб беришни ваъда қилишаяпти...

Ажабланарлиси, биз учраган оила пудрати етакчилари ширкат усулида ишлаш ҳақида тасаввурга эга эмас. Улар бир пайтлари ҳар бир ширкатга хўжаликда субсчёт очилиши, ўзлари топширган ҳосил учун кетган сарф-харажат, даромадни ҳисоблаб бориши таъкидланганини эслашди холос. Аммо янгиликка алмисоқдан қолган иш услуби ўз ўрнини бўшатиб бермасдан келаётир. Фикр-мулоҳазаларимизни хўжалик раҳбари Усмонжон Исабоевга билдириш имкони бўлмади. У киши қаёққадир кетган экан.

Далаларни айланиш, деҳқонлар билан мулоқот асносида шуни англадикки, хўжалик ҳисобига келиб тушган бўнак пуллари ўз эгаларини топмасдан «адашиб» қолганга ўхшайди. Акс ҳолда бир ишчининг олти ойлик даромади 6 минг сўм бўлиб қолмасди. Буюртмачилар олдиндан тўлаб бораётган бўнак пуллари чўғи ҳам бундан далолат бериб турибди. Бу долзарб масалага сайхунободлик мутасаддилар ойдинлик киритар, деган умиддамиз.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилди

ТАДБИРКОРЛИККА

соғин сигир, деб қарашдек номақбул ишларга барҳам берайлик

Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 18 июл куни бўлиб ўтган мажлисидаги ёрқин маърузасини бутун вужудим билан тингладим. Унда ўз меҳнати билан неъмат яратаётган одамларнинг иқтисодий манфаати ва рағбатини белгиловчи омиллар ҳақида ҳам қимматли гаплар айтилди. Очиғи, баъзи хўжаликларда ички шартномаларнинг тузилишига шунчаки расмиятчилик билан ёндошилиши бор гап. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, қайси хўжалик оилавий пудратчиларнинг ишончини йўқотса, у истиқболини йўқотади, деб бемалол айтиш мумкин. Чинданам, кимлардир кичик ва ўрта бизнесга, умуман, тадбиркорликка бамисоли соғин сигир, деб қарашга одатланишган. Бу каби иллатлар тараққиётга жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик имкониятлари нақадар катталигини қуйидагилардан ҳам билса бўлади. Уч йилдан бери БМТ Тараққиёт дастурининг ажойиб лойиҳаси Қашқадарёда ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа бўйича «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан халқаро фонд ҳомийлигида Қарши шаҳри, шунингдек, Қарши, Чироқчи туманларида яшовчи 1500 нафардан ортиқ кишига 3800 та микрозаём берилди. Улар асосан кам таъминланган кишиларга савдо-сотиқ, деҳқончилик ва ишлаб чиқариш билан шуғулланиш имконини яратди.

Вилоят марказининг Хонтепа маҳалласида яшовчи «Омад» гуруҳи аъзолари Хосият Эргашева, Шаҳодат Исмоилова, Сайёра Тошқуловалар 45 минг сўмлик заём олиб, тадбиркорликни жадал бошлаб юборишганди. Улар қарзни белгиланган муддатда узиб, қайта заём олдилар ва шу тариқа фаолиятни кенгайтирдилар.

— Дастлабки пайтларда 120 минг сўмгача заём беришни йўлга қўйдик, - дейди вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Ойниса Очилова. - Мижозлар талабини инобатга олиб, заёмлар миқдорини 60 минг сўмдан 320 минг сўмгача кўтардик. Муҳими, заём олиш тартиби содда ва осон. Уч-беш кишидан иборат маҳалладош, қишлоқдошлар гуруҳ ташкил этиб, ҳар бири бизнес режа тузгач, уюшмага мурожаат қилади. Мутахассислар уларни кредит таҳлилидан ўтказиб, лойиҳанинг харажат ва даромадларини аниқлайдилар. Хайрли ишга бел боғлаганларнинг турмуш тарзи билан танишадилар. Айни пайтда гуруҳ аъзолари билан бизнес-тренинг ўтказилади. Уларга тадбиркорлик фаолияти юзасидан тушунчалар берилади. Бу ўзининг кутилган натижасини бермоқда. Сўнгги олти йил ичида «Тадбиркор аёл» уюшмасидан 300 дан ортиқ хотин-қиз микрозаёмлар олиб, ҳақиқий тадбиркорга айландилар. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, агар омилкор, ташкилотчи, ишбилармон кишилар астойдил қўллаб-қувватланса, етарли даражада имкониятлар яратилса, улар жамиятга албатта катта наф келтирадилар.

Г.ХОЛМИРЗАЕВА,
тадбиркор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2002 ЙИЛНИНГ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАМДА ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Прокуратураси маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви масалаларида тартиб ўрнатилишини таъминласинлар. Бунда тадбиркорлар маблағларининг хайрия мақсадларига ва бошқа мақсадларга қонунга хилоф равишда жалб этилишига алоҳида эътибор берсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ахборот берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг табиий, минерал хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича махсус комиссияси (Тўлаганов) энг муҳим табиий хомашё ва энергетика ресурсларидан тежамли, оқилона, эҳтиётлаб фойдаланиш, уй-жой фондини газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш масалалари юзасидан ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини танқидий кўриб чиқсин ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 2002 йил 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ахборот берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг, биринчи навбатда ширкатлар ва оилавий пудратчилар ўртасидаги ички хўжалик шартномалари бўйича мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар. Шартноманинг давлат харидлари ҳажмини кўпайтирган ҳолда ихтиёрий равишда қайта кўриб чиқилишига йўл қўймасликка, ҳар бир фермер ва оилавий пудратчининг шартнома бўйича ўзига тегишли бўлган маҳсулотни олишига алоҳида эътибор берилсин.

Ўз шартнома мажбуриятларини бажармаган хўжалик раҳбарларига нисбатан белгиланган тартибда қаттиқ жавобгарлик чоралари кўрилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда айрим тоғли туманларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг аҳволини пухта ўрганиб чиқсин ҳамда уларни янада ривожлантириш истиқболлари, инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Жўраев) Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг типлари бўйича айланма маблағлар нормаларини ишлаб чиқсин ва хўжаликларга етказсин.

10. Экспорт имкониятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши (Ў.Султонов) айрим хўжалик бирлашмалари ва корхоналар томонидан жорий йил биринчи ярим йилида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозининг бажарилмаганлиги сабабларини танқидий таҳлил қилсин ва 2002 йил учун белгиланган параметрларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

Маҳсулот экспорти прогнозининг бажарилиши масаласи 2002 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилсин.

11. Бош вазир Ў.Султонов бир ой муддатда хорижий инвестициялар иштирокидаги айрим корхоналарнинг паст самаралилиги, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари сифатсиз тайёрланаётганлиги, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда импорт улушининг юқорилиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган маркетинг ишланмаларининг йўқлиги, шериклар томонидан лойиҳалар босқичида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратнинг сустлиги сабабларини муфассал кўриб чиқсин ва хорижий сармояни жалб этган ҳолда ташкил этилган корхоналарнинг самарали ишлашини таъминлайдиган зарур чора-тадбирларни кўрсин. Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

12. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига лойиҳалаштирилаётган ва қурилаётган объектларни тўлиқ хатловдан ўтказсинлар;

пудрат ишларига тендерлар ўтказишда зарур тартиб ўрнатилишини, буюртмачилар ва пудратчилар томонидан пудрат шартномаси шартларига қатъий риоя қилинишини, қурилиш қиймати асоссиз равишда ошириб юборилишига ва маблағлар сочилиб кетишига, кредиторлик қарзи ҳосил бўлишига йўл қўйилмаслигини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда объектлар қурилишининг аҳволини тўлиқ хатловдан ўтказиш асосида қурилиш объектлари устуворлигини, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ва ижтимоий аҳамиятини, тугалланмаган қурилишлар ҳажмларини жиддий қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда 2003-2005 йиллар учун Инвестиция дастурини шакллантириш бўйича 2002 йил 1 ноябргача таклифлар киритсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2003 йил ва кейинги йиллар Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда бюджетга солиқлар олиш даражасини изчиллик билан пасайтириб боришни назарда тутсинлар.

Вазирлар Маҳкамасига фойда солиғи ставкаларини ва умуман солиқ юкини қисқартириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда 2002 йилда ва 2005 йилгача бўлган даврда давлат харажатларини қисқартириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда харажатлар ҳажмлари ва таркибини мақбуллаштириш, давлат мақсадли фондлари маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатиш, молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтириш, бюджет ташкилотларининг бюджет ресурсларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш назарда тутилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда корхоналар ва хўжалик бирлашмалари активларида давлат иштирокини сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлиги аниқ мезонларини белгиласин ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарнинг давлат улушини республика фонд бозорида, шу жумладан, хорижий инвесторларга қўшимча равишда сотиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги (Азимов), Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари барча давлат корхоналарини муфассал хатловдан ўтказсинлар ва жорий йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган давлат корхоналарини тугатиш, акциялаштириш ва уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш бўйича аниқ дастурни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

Истиқболсиз ва зарар кўриб ишлаётган давлат корхоналарини тугатиш ишларининг бориши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

18. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (Саидова) мулкида давлат улуши бўлган истиқболсиз, зарар кўриб ишлаётган корхоналар банкротлиги жараёни фаолроқ ва қатъий амалга оширилишини, уларни фонд бозорида сотиш, энг аввало, хорижий инвесторларга сотиш учун белгиланган тартибда қўйилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий хўжалик суди, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида» қонун лойиҳасини киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси (Усмонов) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизда сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш чора-тадбирларини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар. Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2002 йил якунлари бўйича ахборот берилсин.

21. Реклама бўйича идоралараро кенгаш (Баҳромов), «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари, «Озиқовқатсаноат» уюшмаси, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг реклама қилиш комплекс тадбирларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва уларнинг амалга оширилишини таъминласинлар.

22. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш бўйича қолоқликнинг ўрнини тўлдириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 20 августигача ахборот берилсин.

23. «Ўзэлтехсаноат» (Умаров), «Ўзавтосаноат» (Парпиев), «Ўзагромашсервис» (Нишонов) уюшмалари, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти (Кучеров), «Мотор заводи» (Одилов) ва «Агрегат заводи» (Тен) корхоналари раҳбарларига ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бажарилмаганлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

Бош вазир Ў.Султонов ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этишда вужудга келган вазиятни ўрганиб чиқсин ва йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсин. Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2002 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Кароматов), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази:

педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар, унда профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини ошириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги малака ошириш курслари, факультетлари, марказлари ва институтларининг моддий-техника ва ўқув-методик базаси аҳволини яхшилашни назарда тутсинлар;

касб-ҳунар коллежлари мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини жадаллаштирсинлар;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда нашр этилаётган ўқув адабиётларининг барча турлари «Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиётлари яратиш концепцияси» принциплари ва талабларига қатъий мувофиқ бўладиган тартибни ўрнатсинлар.

25. Мазкур протоколнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ.**

Фарғона вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари аҳолининг тинчлиги, осойишталиги, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.



Суратларда: милиция старшинаси Аъзам Сотволдиев; Фарғона вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси биносининг умумий кўриниши.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Таҳририятга хат келди

КИМ ҲАҚ?

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси — «Ишонч» га кунига кўплаб хатлар келади. Турли соҳа кишилари ўзларини ўйлантираётган, тўлқинлантираётган масала-муаммолардан огоҳ этиб, беминнат ёрдам кўрсатишни сўрайдилар. Қўшкўпир тумани марказий посёлкаси, Истиқлол кўчаси 42 уйда яшовчи Қадам Жабборовдан ҳам мактуб олинганди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Туман марказий шифохонасида 32 йил шифокор сифатида ҳалол меҳнат қилдим. Нафақа ёшига яқинлашганимда касалликка чалиндим. Аввалига чап оёғимдан, уч ойдан кейин эса ўнг оёғимдан ажралдим. Ҳозир биринчи гуруҳ ногирониман. Умрдошим ҳам нафақада. Оилада ўн икки жонмиз. Икки ўғлим оила тебратиши керак. Бахтга қарши улар ҳаётда ҳозирча ўз ўринларини топишолмаганлиги боис анчайин қийналиб қолдик.

Телевизорда мен каби ногиронлар ҳолидан хабар олиб турган саҳоватпеша кишиларни кўрсам кўнглим тоғдек кўтарилади. Бир чети хаёлга толаман. Сабаби ногирон бўлиб қолганимга тўрт йилдан ошган бўлса-да, на фуқаролар йиғини, на туман ҳокимлиги ва на марказий шифохона вакиллари ҳолимдан хабар олишди.

Бир неча бор шифохона раҳбарига қўнғироқ қилиб, ёрдамга муҳтож эканлигимни рўй-рост айтдим. Бироқ, у кишидан садо чиқмади. Қарияларни қадрлаш йилида кекса ёшдагилар юксак даражада эъзозланаётир. Бахтга қарши Наврўз, Мустақиллик байрамларида ҳам негадир бизнинг оилани эсдан чиқариб қўйишди. Умрдошим туман ижтимоий таъминот бўлими, ҳокимликка ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Шу кунгача бирор ёрдам ололганимиз йўқ...»

Таҳририят ушбу мактубни Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига юборганди. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев имзоси билан олинган жавобда ногиронга пенсияси ўз вақтида етказиб берилаётгани, байрам кунлари унинг ҳолидан хабар олинаётганлиги, имтиёзли равишда дори-дармон билан таъминланаётганлиги ва бундан кейин ҳам Жабборовлар хонадонига моддий ёрдам кўрсатиб туриш туман шифохонаси маъмуриятига топширилганлиги таъкидланганди.

Таажжубки, яқинда Қ.Жабборовдан иккинчи мактуб олинди. Унда юқорида қайд этилган ташкилотлардан ҳеч қандай ёрдам берилмаганлиги баён қилинган. Савол туғилади, ким ҳақ? Наҳотки вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари республика газетасига сохта жавоб йўллаган бўлса? Таҳририят ушбу масала юзасидан мутасаддилардан жавоб кутади.

К.БОЙМУРОДОВА,
«Ишонч» мухбири.

Прокуратура ва касаба уюшма ҳамкорлиги

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

мустаҳкам қарор топсин

Баъзи фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини қай тартибда, қайси идора орқали амалга оширишни тўлиқ билишмайди. Билганлари ҳам рад жавоби олишганда суд даражасигача низолашиш тартибидан фойдаланишда қийналишади.

Фарғона вилоят прокуратурасида ушбу ҳолат ҳисобга олиниб жаҳон давлатчилиги тарихида фуқаролар, нодавлат, жамоат ташкилотларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларга кўпроқ эркинлик беришнинг энг мақбул йўли саналган жамоатчилик назоратининг жамиятдаги ўрнини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда.

Вилоят прокуратурасининг саъй-ҳаракати, изланишлари туфайли «Жамоат, нодавлат ташкилотлар ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, улардан ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантириш дастури» ишлаб чиқилиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шу йил феврал ойида бўлиб ўтган сессиясида тасдиқланди. Ушбу дастурда аҳолини зарур истеъмол моллари билан таъминлаш, ногирон ва пенсионерларга нафақаларни ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишдан тортиб аҳоли ижтимоий муҳофазасига оид кўп қиррали масалалар ўз ифодасини топган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларнинг ижросини ўз зиммасига оладиган жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам вилоят прокуратураси ташаббус кўрсатди. Мавжуд нодавлат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллар иштирокида малака ошириш ўқувларини уюштириш йўлга қўйилди.

Бу муҳим тадбирни амалга ошириш учун дастлаб қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирокида амалий ўқув машғулотлари ташкил этишга келишиб олинди. Прокуратура ходимларига услубий тавсиялар тайёрлаш вазифалари топширилди.

Дастлабки амалий машғулотга вилоятнинг Фарғона минтақавий 6 та туман ҳамда 3 та шаҳар маҳалла фуқаролари, фаоллари таклиф қилинди. Кейингиси эса Қўқон шаҳрида Темирйўлчилар маданият саройида бўлиб ўтди. Унга вилоятнинг Қўқон минтақавий гуруҳига кирувчи шаҳар ва туманлар фуқаролар йиғинлари раислари таклиф этилди. Машғулотлар деярли 1 ҳафтагача чўзилди.

Машғулотлар давомида эса иштирокчилар кун тартибидаги масалаларнинг нақадар муҳим ва долзарб эканлиги, юртимиз тараққий этган сари давлат бошқаруви, назорат қилувчи идораларининг айрим ваколатлари секин-аста, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролар уюшмалари, маҳалла тизимлари қўлига ўтишини тўғри англаб етдилар.

Жамоатчилик назоратини ташкил этиш борасида вилоят прокуратураси ходимлари жамоат ташкилотлари, хусусан касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилаётгани ижобий натижа бермоқда. Яқинда Фарғона шаҳрида вилоят прокуратураси касаба уюшмалари вилоят кенгаши билан биргаликда касаба уюшмалари тизимида жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва уни амалга оширишга оид ўқув машғулоти ўтказилди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан таклиф қилинган 600 нафарга яқин касаба уюшмаси тизими фаоллари таклиф этилган ўқув машғулотида вилоят прокурори Ю.Абдукаримов «жамоатчилик назоратининг моҳияти ва аҳамияти, уни ташкил этиш ва амалга оширишнинг қонуний асослари, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ҳақида маъруза қилди. Маъруза машғулот қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотгани боис унинг атрофида савол-жавоблар анча муддат давом этди. Машғулот давомида прокуратура ходимлари 14 та йўналишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан услубий қўлланмалар билан қатнашчиларни таништиришди ва таъминлашди.

Бугунги машғулот давомида жамоатчилик назоратининг аҳамияти, унинг аҳолига фойдаси ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш - дейди Бувайда тумани АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Шухратжон Назаров. — Айниқса ҳар биримизга жамоатчилик назоратини ташкил қилиш борасидаги амалий услублар китобча ҳолда берилгани айни муддао бўлди.

Фарғона вилоят прокуратураси касаба уюшмалари тизимида ва бошқа нодавлат жамоат ташкилотларида амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан жиддий изланишлар олиб бормоқда.

М.СОБИТОВ,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

22-28 июл

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кулол Раим бобо».
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Довюрак Хочбар ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
11.35 «Юнус Ражабий». Телефильм.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55, 14.30, 16.35 ТВ анонс.
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
14.35 «Кино оламида».
14.55 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
15.15, 17.45 ТВ клип.
15.25 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун. «Парвона» спектакли. 1-қисм.
16.15 «Қалқон».
16.40 «Парвона» спектакли. 2-қисм.
18.10 «Болаликнинг мовий осмони».
18.30 «Умр мазмуни». М. Норматов.
18.55 «Олтин мерос».
19.10 «Кредит: муаммо ва ечимлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.35 **2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили.** «Париси бор уй».
21.55 «Спорт, спорт, спорт».
22.10 «Толе». Бадиий фильм.
00.00 «Ахборот - дайжест».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Тонгги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.25 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.40 Қўли гул уста.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 ТВ-анонс.
11.35 Болалар экрани. «Диққат, шаҳарда сеҳргар».
12.30 «Давр»-news.
12.50 Мольер. «Учар табиб». Ўзбекистон Республикаси ёш томошабинлар театрининг спектакли 1-қисм.
13.55 Кўҳна оҳанглар.
14.05 «Учар табиб». Ўзбекистон Республикаси ёш томошабинлар театрининг спектакли. 2-қисм.
14.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.40 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» почтаси.
17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Озод элим - ойдин йўлим» кўрик-танлови: Бухоро вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
18.25 Спорт ҳафтаномаси.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Муқаддас бурч.
20.10 Илдиз ва япроқ.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 36-қисм.
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Имом ал-Бухорий». Телефильм.
19.50 «Мусиқий танаффус».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.35 «ТВ плюс».
22.45 Кинонигоҳ. «Етмиш икки соат».
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Жаҳон бўйлаб».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
18.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.30 «Катта ада». Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
ЎзТВ–IV
22.05 CFI тақдим этади: «Цирк».
22.55 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Куй ва соз соҳиби».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Одам амфибия». Бадиий фильм.
11.35 «Йўл бошида».
12.05 «Париси бор уй».
12.25 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
13.20 «Спорт, спорт, спорт».
13.35 «Саҳна ҳаёти».
14.10 Эстрада тароналари.
14.30 ТВ анонс.
14.35 Кундузги сеанс: «Замонавий аёл». Бадиий фильм.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
15.55 «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.25 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
16.50 ТВ клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.30 «Солиқ ва биз».
21.45 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба**: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига** «Тарих кўзгуси». 4-қисм.
22.40 «Ахборот - дайжест».
23.00 «Борже узуги». Телесериал.
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Муқаддас бурч.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Жаҳон жуғрофияси.
12.00 Ғазал соғинчи.
12.20 Болалар экрани. «Ёввойи оққушлар».
13.40 «Мульттомоша».
14.10 Интерфутбол.
15.50 «Қайта ҳаёт бағишлаб». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»)
16.00 ТВ-анонс.
16.05 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.30 Болалар учун қўшиқлар.
17.40 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.55 Таянч.
18.20 Минг бир маслаҳат.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.05 Сифат белгиси.
20.15 Марди майдон.
20.35 Севги тароналари.
20.50, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Учрашув». Телевизион бадиий фильм.
00.15-00.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 37-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Дурдона».
19.25 «Нима учун?»
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.50 Кинонигоҳ. «Мим»салтанати».
00,20-00,25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 Жан Поль Бельмондо «Шахсий детектив» фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
ЎзТВ–IV
21.40 «Авлодларга сабоқлар». Хужжатли фильм.
22.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.10 «Теграмиздаги олам».
22.50 «Ахборот» (рус тилида)
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Миздакхон».
9.10 «Симфоник мусиқа дунёси».
9.40 «Портретга чизгилар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Замин ғаройиботлари». Ҳужжатли фильм.
11.35 «Инсон ва қонун».
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.25 «Тафсилот».
12.45 Болалар учун. «Фламинго».
13.05 «Нафосат гулшани».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 **Кундузги сеанс**: «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.
16.00 «Ягона оилада».
16.30 Белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
Ёзги таътил кунларида. »Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Ёзувчилар - болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
18.10 «Ажаб саодат эрур».
18.30 «Умид» телелотереяси.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 **ТВ клип.**
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.35 «Дунёқараш».
21.50 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба**: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 «Мувозанат».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот -дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 Мусиқий лаҳазалр.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Таянч.
11.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлар». Телесериал.
12.00 Илдиз ва япроқ.
12.20 Болалар экрани «Қизил қор ёққанда».
13.35 «Питер ва сеҳрли тухум». Мультфильм.
14.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Озод элим-ойдин йўлим» кўрик-танлови: Бухоро вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
14.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.



15.15 Ёшлар овози.
15.35 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
17.05 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик наволари.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Кўҳна оҳанглар.
20.30 Сийрат.
20.50, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 38-қисм.
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.40, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Хайрли оқшом».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.15 «Хотира». Х. Йўлдошев.
22.45 Кинонигоҳ. «Етмиш икки соат».
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 Балет «Кармен».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.20 «Машҳурлик». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
ЎзТВ–IV
21.40 CFI тақдим этади: «Барбара Понтенда».
22.50 «Қиролича даври». Хужжатли фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Ёзувчилар болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Мулк».
10.20 ТВ клип.
10.25 «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадиий фильм.
11.40 «Оламни асранг!»
12.05 «Мувозанат».
«Спорт» дастури:
12.30 «Спорт, спорт, спорт».
12.45 «Ўзбек спорти одимлари».
13.05 «Ажаб саодат эрур».
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Аския».
14.30 **Кундузги сеанс:** «Бирни кўриб , шукр қил». Бадиий фильм.
16.15 «Ўзбекистон бастакорлари».
16.35 Белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси».
17.05 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Беш бармоқ«. Тележурнал.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот: Маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эҳтиёж қандай?
21.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
22.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига** «Тарих кўзгуси». 5-қисм.
22.30 «Борже узуги». Телесериал.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
9.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.45 Тафаккур ёлқинлари.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Спорт-қитъаси (рус тилида)
11.15 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.25 Сийрат.
12.45 Ёшлар овози.
13.05 Болалар экрани «Кенжатойдан кўрк...»
14.10 «Мульттомоша».
14.25 Интерфутбол.
16.05 Сифат белгиси.
16.15 Жаҳон жуғрофияси.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Огоҳ.
18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 Мезон.
20.25 «Ер ишки». Мусиқий дастур.
20.45, 21.20, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 39-қисм.
17.55, 19.15, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 22.30, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.35 «Мусиқий лаҳзалар».
19.40 «Умр йўлдоши».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.15 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
23.35 Кинонигоҳ. «Етмиш икки соат».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Жильбер Монтане» концерти.
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Интервью». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
ЎзТВ–IV
21.40 «Ишбилармон кишилар».
22.00 «Соккер клуб».
22.20 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Робин Гуд». Мультфильм.
11.25 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Сирдарё вилояти.
11.50, 14.50 ТВ клип.
12.05 «Йиллар ва йўллар».
12.25 С. Зуннунова. «Келин». Теленовелла.
12.55 «Мусиқий учрашувлар».
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
14.30 «Озод юрт одамлари».
15.00 «Моҳият».
15.20 «Ракс қироли». Бадиий фильм.
16.20 «Соз сеҳри».
16.40 «Ҳуқуқ сабоқлари».
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
18.10 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 «Куйла, ёшлигим».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Мустақиллик бинолари». Композиция.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом она - соғлом бола».
21.25 ТВ клип.
21.35 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Ошин». Телесериал премьераси.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.20 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
22.40 «Спорт, спорт, спорт».
22.55 «Руҳият манзаралари».
23.20 «Ахборот - дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 Минг бир маслаҳат.
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 «Эсмеральда». Телесериал.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 Болалар экрани «Мио, болагинам Мио».
13.00 Мезон.
13.20 «Жюли Леско». Бадиий фильм. 19-қисм.
14.10 Ватан манзаралари.
14.30 Интерфутбол.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 «Мулоқот». Қисқаметражли телевизион бадиий фильм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.55 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.10 «Дунё ажойиботлари».
18.30 Автосалтанат.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Азизим.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 «Маржон» гуруҳи куйлайди.
20.50, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Зебралар». Ҳужжатли фильм.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 40-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навниҳол».
19.25 «Эл хизматида».
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
22.20 Кинонигоҳ. «Етмиш икки соат».
23.05 Тунги сеанс. «Сўнгги романс».
1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Инсон ва қонун».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
ЎзТВ–IV
20.35 «Дурдаршан».
21.00 «Замонавий Швейцария».
21.20 «ТВ-4да мусиқа».
21.35 Кинонинг олтин асри: «Бобга нима бўлди?»
Бадиий фильм.
23.05 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 «Оламга саёҳат».
10.40 «Битирув кечаси». Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.00 «Хатларда ҳаёт».
12.20 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
12.40 **ТВ-1 кинотеатри**: «Ўпқон». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.50 «Маърифат». Телеальманах.
14.10 «Ўпқон». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.20 ТВ клип.
15.30 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
Адабий жараён:
15.45 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».
16.25 «Ягона оилада».
16.55 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
17.15 «Бахтимизга омон бўлинг».
17.35 «Рангин дунё».
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
17.55 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Ватан мадҳи».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 «Шанба оқшомида».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
21.50 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба**: «Форест Гамп». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25 Футбол.Ўртоқлик учрашуви. «Ўзбекистон» терма жамоаси - Туркия терма жамоаси. «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
9.20 Болалар клуби.
9.40 Табобат оламида.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 Огоҳ.
11.20 Ринг қироллари.
12.20 Бола тилидан.
12.50 «Кондорлар». Ҳужжатли фильм.
13.40 ТВ-анонс.
13.50 «Жюли Леско». Бадиий фильм. 20-қисм.
14.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.10 «Дунё ажойиботлари».
16.30 «Рамаяна». Телесериал.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.35 «Дороти Оз мамлакатида». Мультфильм.
18.00 Саломатлик сирлари.
18.20 Футбол плюс.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Озод юрт фарзандлари».
20.10 Ёшлик қўшиқлари.
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.50, 21.45, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.55 «Жюли Леско». Бадиий фильм. 21-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Нажот ҳайқириғи». Бадиий фильм.
00.20 «Пандани қутқаринг». Ҳужжатли фильм.
1.10-1.15 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.25, 19.50, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.45 «Мисли гавҳар».
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.40 «ТТВда мусиқа».
20.10 «Нима учун?»
20.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.
21.40 «Ташриф».
22.00 Кинонигоҳ. «Соврин».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
РЖТ
9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
9.45 «Лаззат».
ЎзТВ–IV
10.05 «CFI янгиликлари».
10.15 «Инглиз тили Сиз учун».
10.40 «Фан-тайм».
10.50 «Мультсеанс».
11.10 «Татьяна Полонская билан бирга».
11.35 «Олтин микрофон».
12.20-13.20 **Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Умид»,**
«Чинсэн».

ЎзТВ-IV

15.50 Кўрсатувлар тартиби.
15.55 «Йил қўшиқлари». Ёз.
17.00 «Билишни истайман».
17.20 «Йил қўшиқлари». Ёз (давоми)
17.55 М. Галкин, М. Задорнов, Е. Степаненко.
«Евгений Петросян таклиф этади...» Ҳажвий кўрсатувида.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.30 «Асл мусиқа».
21.20 Кинематограф. «Уйга келиш». Бадиий фильм.
22.50 Ахборот (рус тилида)
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «Ака-ука Грим эртаклари». Мультфильм.
9.55 ТВ анонс.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.55 , 13.30 ТВ клип.
12.05 «Пазандалик сирлари».
12.15 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Ишқ«. Бадиий фильм. 1-қисм.
13.40 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
14.40 «Ишқ». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.55 «Кўҳна замин оҳанглари».
16.15 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал.
16.40 «Қалб гавҳари».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 «Бир кулишайлик». А. Акбаров.
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 ТВ клип.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
«Якшанба кинозали:
22.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.00 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Форест Гамп». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.25 Футбол плюс.
9.45 «Давр»-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 «Зинама-зина».
10.40 Очил дастурхон.
10.55 «Нокаут».
11.20 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.
12.00 «Ёз ёмғири». Бадиий фильм.
13.30 Қорақалпоқ наволари.
13.45 Азизим.
14.10 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.00 Чемпион сирлари.
15.20 «Рамаяна». Телесериал.
15.55 Ҳандалак.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: Ким эпчил-у, ким чаққон?
16.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.40 Спорт ҳафтаномаси.
17.55 Синфдош.
18.10 Оқшом наволари.
18.20 Очун.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Аёл қалби наволари.
19.40, 20.35, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
19.45 «Жюли Леско». Бадиий фильм. 22-қисм.
20.40 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.55 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ўрмон юраги». Бадиий фильм.
00.15-00.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
18.55, 20.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Жаҳон географияси».
20.00 «Телефакт».
20.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
21.20 «Менинг маҳаллам». Телетанлов.
22.40 «Спорт-клуб».
23.00 Кинонигоҳ. «Ички космос».
1.05-1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.35 **FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)**
11.45 «Парле ву франсе?»
12.10 Болалар соати: «Чексиз тарих». Бадиий фильм.
13.40 «Лего ленд». Болалар учун телеўйин.
14.10 «Хусусийлаштириш : қадам-бақадам».
14.30-15.30 **«Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар»,**
«Озарбайжон туфҳалари».
ЎзТВ-IV
16.35 Кўрсатувлар тартиби.
16.40 «Катта концерт».
18.10 «Бинафша».
18.25 Кинематограф. «Доктор Голливуд». Бадиий фильм.
20.00 «Тенгдошлар».
20.30 «Мюзик холл».
21.00 «7 кун». Ҳафта якунлари.
21.25 «Кинопрофи».
21.50 Кинематограф. «Ёқимтой». Бадиий фильм.
23.25 «Таҳлилнома».
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Дўст эди

Ўзбекистон халқ шоири, бетакрор истеъдод соҳиби Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир шеъри халқимизнинг кўнгил мулкига айланган эди. Унинг газета ва журналлардаги чиқишини элдошларимиз ўзгача самимият ва эҳтиром билан қаршилардилар. Олий Мажлис депутати сифатида ҳам шоир Ватан, халқ ишига камарбаста эди.

Қирқ етти ёшида оламдан ўтган шоир бешта шеърий китоби ва «Танланган асарлар» тўплами билан ўзига мангу хайкал қўйиб кетди.

Таниқли рассом Жўра Асран мўйқалам «Муҳаммад Юсуф» портретини яратди. Мусаввир шоир сиймосини акс эттирар экан, аввало эътиборни унинг хассос ва дилбар қалбига қаратади. Ўйчан айни пайтда қатъиятли нигоҳлари орқали шоирнинг руҳий дунёсини очиб беради. Зеро, Жўра Асран билан Муҳаммад Юсуф қиёматли дўст эди. Уларни нафақат ҳамюртлик туйғуси, балки адабиёт ва санъат,- ижоднинг муштараклиги боғлаб турарди.Мусаввир ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шоир сиймоси акс этган яна бир қатор туркум асарлар яратишга киришди.

Ҳа, ҳақиқий шоирлар ўлмайди, улар ўз шеърлари билан мухлислари қалбида мангу барҳаёт яшайверади.

Суратда: мусаввир Жўра Асран ўзи яратган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф» портрети олдида.

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Болалар ёзи қандай ўтмоқда?

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ ФАРҒОНАДА

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларидан келган 800 нафар ўғил-қиз Фарғона ва Қувасой шаҳридаги «Хумо», «Ниҳол», Олтиариқ ва Охунбобоев туманидаги «Тонг» ҳамда «Роҳат» болалар оромгоҳида дам олмоқда.

- Болалар янада мароқли дам олиши учун қизиқарли тадбирлар режаси тузилган, - дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Анваржон Юнусов. - Қорақалпоғистонлик болалар вилоятнинг қадимий ва тарихий шаҳарлари, археологик ёдгорликлари, музейлар, истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишлари, аҳоли урф-одатлари, анъаналари билан танишади. Шунингдек, турли кўнгилочар маданий-маърифий тадбирларда иштирок этади.

ЭЪТИБОР

Болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш, уларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун шароит яратиш, оромгоҳларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни назорат қилиш бугунги кунда касаба уюшмаларининг бирламчи вазифаларидан бирига айланди. Навоий вилоятидаги мавжуд 26 та кундузги мактаб қошидаги оромгоҳларда бу йил 1025 нафар бола ҳордиқ чиқариши режалаштирилди. Бу дам олиш масканларида спорт заллари ва майдончалари, тўгараклар, маънавият ва маърифат хоналари, кутубхона қошидаги тиббий кўрик хонаси, душ мунтазам ишлаб турибди. Ошхоналар намунали хизмат кўрсатмоқда. Хатирчидаги 37-мактаб қошидаги «Бойчечак», Нуротадаги 33-мактаб, Қизилтепадаги Бўстоний номли мактаболди оромгоҳлари шулар жумласидандир.

Ўқувчиларнинг ёзги дам олишларини ташкил этишда касаба уюшмалари томонидан кам таминланган оилаларнинг фарзандларини моддий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, табиий офатдан зарар кўрган Нурота туманидаги Папанай қишлоғи тармоқ ходимларининг 25 нафар фарзандлари «Ўзбекистон» оромгоҳида бепул дам олдирилади.

Шоҳрух САРИЕВ.

Орамиздаги одамлар

Абдураҳмон тиббиёт бобокалони Абу Али ибн Синонинг ушбу сўзларини кўп такрорлайди: «Соғликни сақлашнинг асосий тадбири, бу - бадантарбиядир». Инглиз, рус, француз олимлари ҳам бу хақда кўп ва хўп сўзлашган: «Бадантарбия билан шуғуллансангиз ҳеч қандай давога муҳтож бўлмайсиз», «Ҳаракат хаёт демак», «Бадантарбия саломатлик, кучлилик, гўзаллик гаровидир» .

ҲАРАКАТ — ҲАЁТ ДЕМАК

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Абдураҳмон Норбоев бу ҳикмат мазмунмоҳиятини яхши билади. Дарвоқе, у кўп йиллардан буён Чортоқ сиҳатгоҳида даволаш бадантарбияси мутахассиси бўлиб ишлаб келади.

Реабилитация бўлими ўта нозик ва кишидан юксак маъсулият билан ёндашишни талаб қилади. Чунончи, бу ерда ўткир миокард инфарктини бошидан кечирган беморлар даволанадилар. Бўлим 1980 йилда 30 ўринга мўлжаллаб ташкил этилган бўлиб, асосан Фарғона водийси фуқаролари учун хизмат қилади.Шу боис ўрта бўй, қорачадан келган, оғир-босиқ Абдураҳмонни нафақат Наманганда балки Андижон, Фарғона вилоятларида ҳам яхши танишади. Муҳими, у даволаш бадантарбиясини илмий асосда, ҳозирги замон тиббиёти талабларига мувофиқ равишда олиб боради.

Абдураҳмон аввало муолажанинг ушбу усули ҳақида беморларга тушунча беради. Антрометрик текширувдан ўтказади. Даволаш жараёнида эса юрак уришини, қон босимини эринмай ўлчаб кўради. Янги келган ва даволаниб уйига қайтаётган беморларга тавсия ва маслаҳатларини аямайди. Сиҳатгоҳда даволаш-бадантарбияси билан шуғулланиш учун қулай, ёруғ спорт зали мавжуд. У ҳар томонлама жиҳозланган.- Асбоб-анжомлар етарли. Спорт залига ЭКГ ва биринчи ёрдам столи ташкил қилинган.

Ҳақиқатдан ҳам Абдураҳмон Норбоев фрйдаланган усуллар содда ва кўп фойда бермоқда. У беморлар билан эрталаб 10-12 дақиқа бадантарбия ўтказади. Уларнинг машқдан олдинги ва кейинга томир урушларини кузатиб боради. Эрталабки нонуштадан бир соат ўтгач, даволаш гимнастикасини ўтказади.Юриш усулидан кенг фойдаланади. Очиқ ҳавода сайр қилдириш, спорт-соғломлаштириш ҳаракатларини бажариш билан беморлар руҳий ва жисмоний ҳолатини яхшилаб боради.

Абдураҳмоннинг даволовчи инструктор сифатида олиб бораётган ишлари менга жуда ёқди. -дейди Эгамберди ота Йўлдошев. -У бажартираётган машқлар биздек кексаларнинг ҳам ёшига мос.Машқларнинг мунтазам, изчил бажарилиши юракка руҳий далда бериб, жисмоний ҳолатни яхшилайди, толиқмайсиз ва чарчамайсиз.

Абдумалик ота Ҳамидов ҳам бу фикрларни қувватлайди.«Бадантарбиянинг фойдали эканлиги ҳақида кўп эшитган эдим. Шу бўлимга келиб, ҳақиқатан ҳам бадантарбия, спорт инсонни соғлом қилишига ишонч ҳосил қилдим. Лекин, очиғи дастлабки кунлари анча қийналдим. Бир ҳафта ўтгач, оғриқлар йўқолди. Юрагим яшнаётгандек туюлди. Бора-бора бадантарбия қилсам енгил тортадиган бўлиб қолдим. Абдураҳмонга катта раҳмат. Спортга қизиқишимни кучайтирди. Энди ҳар куни эрталаб ҳеч бўлмаганда 5-6 дақиқа бадантарбия билан шуғулланаётибман.»

- Абдураҳмон Норбоев жуда тиришқоқ, талабчан, ўз ишининг устаси ва шайдоси экан. - дейди яна бир отахон Абдулла Нурматов - Мен қарилигим туфайли бадантарбия ва спорт машқларида қатнаша олмасам керак, деб ўйловдим. Абдураҳмон ҳеч қўймади. У спорт қариёш танламайди, шуғуллансангиз енгил тортасиз, деб далда берди. Жисмоний ҳолатимга монанд машқлар бажартирди. Тез орада ўзимни яхши ҳис қилабошладим. Қувватим ошгандек бўлди.

Бу каби илиқ гапларни бўлимда даволаниб кетган Умаржон Саидов, Анвар Рашидов, Адашали Холмирзаев, Олег Фомин каби ўнлаб беморлар ёзиб қолдирган миннатдорчилик хатларидан ҳам билиш мумкин. Умуман, 2002 йилнинг ўтган ойлари мобайнида юздан ортиқ бемор реабилитация бўлимида ўз саломатлигини тиклаб қайтди.

Топилжон ЖАЛОЛОВ.

ФАХРИЙЛАР БАҲСИ

Республика шахмат клубида фахрий шахматчилар ўртасида Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб ўтказилаётган мамлакат биринчилиги баҳслари давом этмоқда. Унга кўра Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларидан 24 нафар кекса шахматчи 4-тур баҳсларини ўтказди.

Тўққиз турдан иборат мусобақанинг мазкур даврасида спорт усталигига номзод С.Федяшин 3,5 очко жамғарди. Г.Бударин ва В.Сафинда эса учтадан очко бор.

Ёши 60 дан ошган фахрийлар мусобақаси 1994 йилдан буён ўтказилмоқда. Бу турнирда совриндор бўлган уч спортчи Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лигасига йўлланма олади. Бундан ташқари, биринчи ўринни қўлга киритган шахматчи Германияда фахрийлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашади.

ЎзА

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Ҳикматлар дурдонаси

Тўрт нарсани қайтариб бўлмайди: айтилган сўзни, ўтган ишни, отилган ўқни, кечган умрни.

* * *

Одамийлик уч нарсада намоён бўлади: Оллоҳ берган умрга шукроналик, инсонийлик шартларини адо этмоқ, бировнинг дилига озор беришдан сақланиш.

* * *

Саховатни чеҳраси очиқ, олижаноб одамлардан кутинг.

* * *

Осойишталик вақтингизда кўпроқ қўрқинг. Кулфат етганда сабр қилинг.

* * *

Одамларга чиройли жавоб қайтариш ақлнинг ярмиси, чиройли савол бериш илмнинг ярмиси, чиройли тадбир саҳоватнинг ярмиси.

* * *

Жаҳолат тўрт ишда кўринади: амалсиз сўзда, натижасиз ишда, ўринсиз хусуматда, ёқимсиз гўзалликда.

* * *

Амаллар уч хил бўлади: натижаси яхшилик билан тугайдиган амал унга эргаш, охири вой бўладиган амал-ундан қоч, натижаси шубҳали амал у хақда маслаҳат ол.

* * *

Бахт мисоли капалак, унинг ортидан қувсанг, у сендан узоқлашади, агар унга эътибор бермай ишингни қилаверсанг ўзи келиб елкангга қўнар.

УЙ-ЎТОВ

Дала шароитига мос, файзли уй-ўтовда бўлганмисиз? Унинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлишининг сабаби наматда.

Шу боис наматдан қирғизча қалпоқ ва бошқа кийимлар тикилади. Ўтовга ишлатиладиган ёғочлар ҳам мустаҳкам бўлади.

Бу қулай уй шарқ мамлакатларининг кўпида кенг тарқалган.

Ўтовнинг яна бир хусусияти шундаки, у шамол, тўзон, ҳатто ёмғир жаласи,қор бўрони, ер силкинишларгаям бардош беради. Ичига сув кирмаслиги учун ўтов атрофи ариқ шаклида қазиб қўйилади. Шамолдан қўзғалмасин деб эҳтиётдан арқон билан икки-уч жойдан тортиб боғланади.

Ўтовда тўй-ҳашамлар ўтказиш ҳам қулай. Ичкарида қизлар, ташқарида эса йигитлар лапар айтишиб, тўйларни қиздиришади.

Қўшиқ айтишда ғолиб бўлган йигитларга қизлар рўмолча совға қилишади. Шу айтишув баҳонасида ёшлар бир-бирларига муҳаббат ҳам изҳор этадилар.

Муниса АБДУРАҲМОНОВА.

Ним табассум

Стюардесса йўловчиларга мурожаат қилди:

— Ичингизда шифокор борми?

Бир одам ўрнидан туриб, стюардессага эргашган кўйи учувчи хонаси томон йўл олди. Бошқа йўловчи хавотирланиб сўради:

— Нима бўлди? Учувчининг тоби қочиб қолдими?

— Безовталанманг. - Тинчлантирди стюардесса. - Шунчаки, учувчиларнинг кўнгил ёзгилари келиб қолди, шунинг учун учинчи шерик керак бўлиб қолди.

Йўловчи ажабланди.

— Нега энди айнан шифокор улфатчилик қилиши лозим? Мана, масалан, мен...

— Гап шундаки, - тушунтирди стюардесса, - ичиб олгач, тўполон қилвдиган одатлари бор. Шифокорларнинг ёнида эса ҳамиша тинчлантирувчи дори юради.

* * *

Ичиб олган эр тонг сахарда уйга кириб келди.

— Қаерда эдингиз? Хавотирланиб туни билан мижжа қоқмадим, - дея йиғи-сиғи билан кутиб олди хотин ўпкалаб.

Эрнинг ҳам жаҳли чиқди:

— Нима, мен ухлабманми!

* * *

Қабристон йўлагига қўйилган ўриндиққа мукка тушганча алланарсаларни ёзаётган йигитдан гўрков сўради:

— Сен кимсан?

— Аспирантман.

— Бу ерда нима қиляпсан?

— Диссертация ёзаяпман.

Гўрков ажабланди:

— Бу ердан бошқа жой йўқми сенга?

— Жой-ку кўп-а. Лекин бу ерда ҳеч ким «қачон ёқлайсан» деб сўраб бош қотирмайди-да.

Юсуфжон қизиқ ҳангомалари

СУҚ ДОМЛА

Юсуфжон қизиқ жиянларидан бирини институтга жойламоқчи бўлди. Эшик тирқишидан қараб турса, имтиҳон олаётган домла бир боладан сўраяпти...

— Қаерликсиз?

— Қувалик.

— Яхши. Қувада анор сероб бўлади-а?

— Ҳа.

— Боғинглар борми?

Бола коса тагидаги нимкосани тушунди шекилли, «олиб келганман», дея шивирлади. Гап орасида унинг иши битди.

Иккинчи бола кирди. Домла ўша саволни такрорлади.

— Қаерликсиз?

— Асакалик.

— Эх-ха! Асакада бўрикалла қовунлар, тил ёрадиган узумлар бўлади дейишади, тўғрими?

— Тўғри.

— Сизларда ҳам бордир?

— Бор десак ҳам бўлаверади.

Домла иккинчи бола билан ҳам нималарнидир шивирлашди.

Учинчи бола кирди.

— Қаерликсиз?

— Ўзганлик.

— Оҳ-оҳ-оҳ. Ўзганда гуручни ўғилболаси бўлади-а?

— Ҳа.

Яна шивир бошланди. Савол-жавобнинг давомини Юсуфжон қизиқ эшитолмаса ҳам мазмуни тушунарли эди.

Навбат жиянга келганда тайинлади:

— Қаерликсиз, деса, Шоҳимардонликман дегин.

— Нега энди, — таажжубланди воқеадан бехабар жияни.

— Марғилонликман десанг, атлас сўрайди, қаердан топасан?

Жияниям «хўп» дедию, имтиҳонга кирди. Таниш савол яна такрорланди.

— Қаерликсиз?

— Шоҳимардонданман.

— Ие, ҳа хмм... — домла ўйланиб қолди. — Шоҳимардонда нима сероб бўлади.

— Тиниқ сув, тоза ҳаво...

Домла ҳам бўш келмади.

— Оҳ, оҳ, оҳ, бизга зарур нарса экан-да! Тез бориб, икки канистр сув билан икки балонда ҳаво олиб келинг...

Юсуфжон қизиқ суқ домладан мот бўлиб, ёқа ушлади.

Тўпловчи: Ҳамид УСМОНОВ.

Ачинарли рекорд:

59 ЙИЛ ҚАМОҚДА

Ю. Тизяев ўн саккиз ёшида ўғирлик қилиб жазоланган эди. Жазо муддатини ўташ даврида безорилиги учун қўшимча равишда яна икки йил ўтиришга мажбур бўлди. 1975 йили эркинликка чиқиб, ўзининг бўлажак рафиқаси билан танишди. Эр-хотин Бухорога келиб, шу ерда ўрнашиб қолди.

Аммо 1978 йилда қотиллик қилишга уринганлиги учун яна 8 йилга ҳукм қилинди. Жазо муддатини тўла ўтаб, оиласига қайтди. Бир йилдан кейин эса умр йўлдошига жисмоний шикаст етказганлиги сабабли 2 йил жазо муддатига махкум этилди. 1989 йилда озод этилди. Аммо бу узоққа бормади. 1991 йилда ўз келинини зўрлашга уринганлиги учун қайтадан қамоқ жазосини олди. Қамоқ муддати 2000 йилда тугади. У билан бир ёстиққа бош қўйган аёлнинг эса сабр косаси тўлган эди. Тизяевларнинг никоҳи бекор қилинди. Аммо онанинг икки ўғлидан бири, Ю. Тизяевнинг ўғли эди. Фарзандни онанинг ёлғиз ўзи катта қилганлигига қарамай эр уни ўз ҳолига қўймас эди. Эрдан жабр ва ситамлар ўтказиб келинганига қарамай, она ўғлини яхши инсон қилиб тарбиялади.

Хуллас, яқинда ота яна суд қилинди. Судда Тизяев хотинини ўлдириб, мол-мулкини ёндирмоқчи бўлганлигини рад этмади. Ўз жиноякорона хатти-ҳаракатини эса хотини бошқа эркак билан топишиб кетганлиги, мол-мулки эса унга ўтиб кетишини истамаганлиги билан оқламоқчи бўлди.- Хайриятки, унинг ёвуз режаси рўёбга чиқмади. Энди 64 ёшли Ю. Тизяев яна 17 йил қамоқда ўтиришига тўғри келади. Бу рақам олдинги 42 йиллик қамоқ жазосига қўшилса, жами 59 йил бўлади.

- Бу Гиннес китоби учун тўғри келадиган, аммо ачинарли рекорд, - деди Бухоро туман суди судьяси Р. Юсупов.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.